

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94 (575.1)

ЁРМАТОВ ФАХРИДДИН ЖОЙЛОВОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ:
ҲОЛАТИ, ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ, РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ (1991-2010 ЙИЛЛАР. ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР
МИСОЛИДА)**

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2010

Диссертация иши Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

тарих фанлари доктори, профессор
Маврулов Абдухалил Абдулхаевич

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори
Абдурахмонов Маҳмаджон

тарих фанлари номзоди, доцент
Жўраева Нилуфар Далибаевна

Етакчи ташкилот

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя 2010 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. e-mail:kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўз МУ).

Автореферат 2010 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби**

т.ф.н., доц.А.А.Одилов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар содир этилди, амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижаларини бермоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жамият фуқаролари томонидан маъқулланмоқда.

Мазкур ўзгаришлар мазмун- моҳиятини тўлақонли равишда таҳлил этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. “Ҳар қайси халқ, - деб таъкидлайди мамлакат Президенти И.Каримов, -миллий кадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”.¹

Мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихни яратиш, содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни холисона ўрганиш борасида анча самарали ишлар амалга оширилди. Ўрганилиши, муҳим хулосалар қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолардан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласидир.

Аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ёш болали аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шубҳасиз, ўз натижасини кўрсатди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. “Ижтимоий” деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор”.²

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мустақиллик йилларида катта ҳажмдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Саноат корхоналари, қўшма корхоналар, янги ижтимоий-маданий, маиший муассасалар барпо этилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми ортиб борди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланди.

¹ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 97.

² Каримов И. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазирамиздир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - Б. 45.

Шу билан бирга воҳада ҳали қатор муаммолар мавжуд. Мамлакат Президенти И.Каримов бу ҳақда “бу ерда ҳали - бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган оқсоқликлар, оёғимизга кишан, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишимиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак”¹, деган эди.

Юқорида таъкидланган фикр ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини англатади. Шунингдек, қуйидаги ҳолатлар мавзу долзарблигини яна бир бор кўрсатиб турибди:

- мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланди. Мазкур тизим мамлакат Президенти И.Каримов ва республика ҳукуматининг кучли ижтимоий сиёсат тўғрисидаги, илмий жиҳатдан асосланган концепцияси асосида юзага келди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган, муҳтож фуқаро, oilаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш концепцияси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амалга оширила бошланди. Ушбу ҳаракатнинг амал қилиш эволюцияси илмий жиҳатдан ҳозиргача ўрганилмаган;

- Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистон иқтисодий – ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган ҳудудий бирликлар ҳисобланади. Аҳоли турмуш тарзи, руҳияти, ҳудудий жойлашув, жуғрофий-табiiй ҳамда демографик нуқтаи-назардан ушбу вилоятлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлар воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бундай ҳол ишнинг долзарблик даражасини оширган.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Тадқиқотнинг даврий чегараси 1991-2010 йилларни ўз ичига олади. Мазкур давр мустақилликнинг дастлабки 20 йилини қамраб олган ҳолда жамиятда барча соҳаларда туб ўзгаришлар, ислохотларнинг амалга оширилиши билан тавсифланади.

Бу давр Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шакллана бориши, кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга тадбиқ этилиши билан изоҳланади. Катта ҳажмдаги хронологик доирада танланган мавзунинг ўрганилиши энг аввало, совет тизими парчаланиши арафасида ва мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муҳит тўғрисида ҳаққоний билим олишга имкон беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласини ўрганиш, илмий таҳлил этиш ижтимоий-

¹ Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. 2002 йил 21 феврал; Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. Т.10. - Б. 233.

гуманитар фанларнинг деярли барчасига тегишли ҳисобланади. Мазкур муаммо сўнгги пайтларда иқтисодчи, файласуф, сиёсатшунос, тарихчи, ҳуқуқшунос олимлар томонидан маълум даражада ўрганилмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини иқтисодий масалалар билан уйғунликда ўрганиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган қатор асарлар мавжудлигини таъкидлаш лозим¹. Мазкур асарларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими, унинг моҳияти, шаклланиш эволюцияси, аҳолининг иш билан бандлиги каби масалалар маълум даражада ўзининг аксини топган. Номлари келтирилган адабиётларнинг қимматли томони шунда эдики, уларда мамлакатимизда шакллана бошланган кучли ижтимоий сиёсат генезиси, унинг моҳияти очиқ берилган, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат, турли хайрия жамғармалари, ҳомийларнинг ўрни ҳам маълум даражада тадқиқ этилган.

Аммо ушбу адабиётларнинг муайян камчиликлари мавжуд эди. Айримлари диссертациянинг даврий доираси нуктаи назаридан тўғри келмаса, бошқалари кўтарилган масалалар бўйича биз танлаган мавзунинг ўзида акс эттира олмас эди. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти” номли асарда “Ижтимоий ҳимоя” деб номланган махсус боб бўлсада, асосий эътибор ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта жамғармаси масалаларига қаратилган ҳолос.

М.Расуловнинг “Бозор иқтисодиёти асослари” деб номланган, умуман ижобий баҳоланган фундаментал китобида мустақиллик шароитида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал этиш масалалари, аҳоли даражасининг табақаланиши кабиларга алоҳида эътибор берилган. Айни пайтда, муаллифнинг айрим фикрлари билан келишиш қийин. Масалан, унинг таъкидлашича бозор муносабатларидаги “рақобат таъсирида юзага келган ишсизликка тушиб қолишликда ходимнинг ҳеч қандай айби бўлмайди ва уни бозор шароити шундай аҳволга тушириб қўядики, у албатта ҳимояланиши керак”.² Масалага бу тахлитда ёндашиш, назаримизда, унча тўғри эмас. Гап шундаки, рақобат таъсирида юзага келадиган ишсизликда ходимнинг айби бўлиши мумкин ва бу нарса унинг касбий-малакавий ҳолати, жисмоний-интеллектуал даражаси, рухий-психологик ўзгаришига боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, Д.Тожибоевнинг китоби бўйича ҳам муайян фикрлар билдириш мумкин. Масалан, аҳоли харажатлари тўғрисида фикр юритар экан, муаллиф уни озиқ-овқат товарлари, маданий-маиший хизматлар, солиқлар гуруҳига бўлади. Албатта, булар ўта муҳим. Айни пайтда, жаҳон миқёсида янги

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998; Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. - Тошкент: Шарқ, 1999; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Шарқ, 2003; Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. - Тошкент: Академия, 2005; Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. ва бошқ.

² Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б. 359.

техника ва технологиялар тобора ривожланиб, интеллектуал омил алоҳида ўрин эгаллаётган бир пайтда аҳоли харажатлари тизимида ақлий-интеллектуал соҳа харажатларига алоҳида мақом бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.¹

Танланган мавзунинг тарихшунослиги шуни кўрсатмоқдаки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи турли фан олимлари томонидан мазкур фан йўналишлари талаб-қоидалари асосида тадқиқ этишга ҳаракат қилинган. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, кам таъминланган фуқаролар, ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари тарих фани нуқтаи назардан кам ўрганилганини кўриш мумкин. М.Усмонова, М.Холматова, С.Сафаева кабиларнинг асарларида, шунингдек, айрим илмий тўпламларда бу масалага маълум даражада аҳамият берилган.²

Ушбу асарлар бевосита аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган. Аммо уларда кўтарилган масалалар биз танлаган мавзунинг тўлиқ очиб беришга қодир эмас. Чунончи, М.Усмонова асарида кўтарилган масала асосан кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига тегишли. Айни пайтда, асар даврий нуқтаи назардан 1994 йил билан яқунланган ва унда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш эволюцияси очиб берилмаган.

М.Холматова ва С.Сафаевалар асарида эса инсон омили масаласига устувор аҳамият берилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий кафолат ва ижтимоий адолат каби фалсафий категориялар асосида яратилган ушбу асарда Ўзбекистонда олиб борилган кучли ижтимоий ҳимоя динамикаси кўрсатилмаган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари тарихшунослигида миллатлараро муносабатлар³ ва экологик⁴ масалалар билан уйғунликда яратилган асарларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Қайд этиш лозимки, мазкур асарларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Аммо таъкидланган асарларнинг деярли барчасида давлатнинг кучли ижтимоий

¹ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Шарқ, 2003. - Б. 345.

² Усмонова М. Кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш. - Тошкент: Фан, 1994; Холматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳият. - Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007; Демократик жамият қуришда кучли ижтимоий сиёсат ва адолат. - Тошкент, 2008. ва бошқ.

³ Ата-Мирзаев, О. Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Ташкент: Университет, 2004; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. - Тошкент: Университет, 2007; Ўзбекистонда этнотолерантлик – тинчлик гарови. - Тошкент: Фан ва технология, 2008. ва бошқ.

⁴ Отабоев Ш. Экология, дин ва саломатлик. - Тошкент: Тошкент Ислон Университети, 2007; Отабоев Ш., Турсунов Э., Мўминов Х., Мирзанов Б. Оила, маҳалла, экология ва саломатлик муаммолари. - Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2008; Эргашев А., Отабоев Ш., Шарипов Р., Эргашев Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. - Тошкент: Фан, 2009. ва бошқ.

химоя тизими, кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдамлар мазкур асарларда кўтарилган илмий муаммолар билан уйғунликда маълум даражада тадқиқ этилган.

Масалан, “Ўзбекистонда этнотолерантлик-тинчлик гарови” асарида мамлакатдаги ижтимоий химоя тизими демографик вазият билан алоқадорликда ўрганилган. Шунингдек, ушбу асарда мамлакат қонунчилигида толерантлик, диний бағрикенглик, уларнинг жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни каби масалалар ҳам ўрганилган.

Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий химоясини таъминлаш масалалари тарихшунослигида турли фан йўналишлари бўйича ёқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.¹ Иқтисодчи, файласуф, социолог, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ёқланган мазкур диссертациялар мавзу, йўналишлар бўйича ранг-баранг бўлсада, уларнинг барчасида аҳолини ижтимоий химоялаш масалалари у ёки бу тарзда тадқиқ этилган.

Л.Холиқованинг ишида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий химоя қилиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар моҳияти тадқиқ этилган бўлса, А.Норбековнинг тадқиқотида мамлакатимизда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари, инсон омилини рўёбга чиқариш ва аҳолини ижтимоий химоялаш, эркинлаштириш жараёнида ижтимоий кафолатларни амалга ошириш муаммолари ўрганилган.

Шубҳасиз, юқорида номлари келтирилган диссертациялар биз тадқиқ этган илмий муаммони ўрганишда маълум даражада рол ўйнади. Уларда аҳолини ижтимоий химоялаш концепцияси, жараённинг ҳуқуқий базаси яратилиши, масаланинг социологик таҳлили ўз ифодасини топган. Аммо уларнинг бирортаси жараённи тарихий аснода тадқиқ этишга бағишланмаган. Д.Бобожонованинг тадқиқоти эса биз танлаган мавзуга бевосита тегишли бўлиб, унда совет даврида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари тадқиқ этилган.² Ушбу тадқиқотни ижобий

¹ Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям: Автореф. дисс...канд.экон.наук. - Ташкент, 1995; Бабажанова Д. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е-первая половина 80-х гг.): Автореф.дисс...докт.ист.наук. - Ташкент, 1997; Холикова Л. Ижтимоий химоя социал-иқтисодий муносабат сифатида: Иқтис.фан.номз. дисс...автореф. - Тошкент, 1999; Тангриев Л. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси: Сиёс.фан.номз. дисс...автореф. - Тошкент, 2001; Холбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари: Соц.фан.докт.дисс...автореф. - Тошкент, 2001; Алимова Г. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-маданий инфратузилма ва меҳнатда бандлик муаммолари: Иқтис.фан.номз.дисс...автореф. - Тошкент, 2002; Норбеков А. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил: Соц.фан.номз.дисс...автореф. - Тошкент, 2004; Усмонова М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий химояни ташкил этишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари: Юридик фан.докт.дисс...автореф. - Тошкент, 2006; Аҳмедов Д. Ўзбекистонда давлат ижтимоий химояси: ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари: Юридик фан.докт.дисс...автореф. - Тошкент, 2007. ва бошқ.

² Бабажанова Д. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е-первая половина 80-х гг.): Автореф.дисс...докт.ист.наук. - Ташкент, 1997.

баҳолаган ҳолда қайд этиш лозимки, унда биз танлаган мавзу қисман ва бошқа даврий доирада ўрганилган.

Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид Б.Раҳимовнинг номзодлик диссертациясини ҳам эътиборга олиш лозим.¹ Ушбу тадқиқотда танланган мавзу Сурхондарё вилояти мисолида ўрганилган. Диссертация асосан вилоятда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, аграр соҳадаги фаолиятга тааллуқли бўлиб, унда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига мутлақо аҳамият берилмаган. Айни пайтда Н.Ўрокова диссертацияси тўғрисида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин.²

Кейинги йилларда хорижий мамлакатларда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу маънода Е.Мачульская, Л.Глушенко, В.Юдин, В.Шайхатдиновларнинг асарларини таъкидлаш мумкин. Уларда ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоянинг глобаллашув ва иқтисодий интеграциялар кучайган шароитдаги мазмун-моҳияти кабилар ўз ифодасини топган.³

Шундай қилиб, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Унинг натижасида қуйидагиларга эришилди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши бошланди;
- танланган мавзунинг назарий-методологик асоси яратилди;
- мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича катта ҳажмдаги фактик материаллар тўпланди, уларнинг бир қисми илмий жиҳатдан умумлаштирилди;
- танланган мавзу асосан иқтисодчи, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилди.

Танланган мавзуни тарихий жиҳатдан ўрганилиши энди бошланмоқда. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари у ёки бу тарзда маълум даражада тадқиқ этилган бўлсада, унинг белгиланган даврий доирада ва мамлакатнинг жанубий вилоятлар мисолида тадқиқ этилмаганлиги бизнинг “Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)” мавзуни алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида танлашга имкон берди.

¹ Рахимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида. 1991-2005 й.й.): Тарих фан.номз.дисс...автореф. - Тошкент, 2008.

² Ўрокова Н. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида): Тарих фан.номз.дисс...автореф. - Тошкент, 2004.

³ Мачульская Е. Социальная поддержка как форма социального обеспечения. - М., 1993; Юдин В. Социальная защита: понятие, сущность, границы. - Казань, 1995; Глушенко П. Социально-правовая защита Конституционных прав и свобод граждан. - СПб., 1998; Шайхатдинов В. Система социальной защиты и обеспечения населения современной России. Социальная защита. - Екатеринбург, 2004. ва бошқ.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиши, кам таъминланган, муҳтож фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш борасида давлат ва ҳомий ташкилотлар томонидан олиб борилган ишларни Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятлари мисолида илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил этишдан иборат мақсад белгиланди. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- совет давлатининг парчаланиши ва мустақилликнинг илк давридаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан иборат давлат сиёсатининг шаклланиш эволюциясини ўрганиш;
- жамоат ташкилотлари, жумладан, “Маҳалла”, “Нуроний” каби ўзини-ўзи бошқариш органлари, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини ёритиш;
- аҳолининг ижтимоий фойдали иш билан бандлик муаммоси ва унинг ҳал этилишидаги ўзига хосликларни ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ёшлар ижтимоий ҳимоясини ташкил этишдаги саъй-ҳаракатларини кўрсатиш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида тадбиркорлик ва ҳомийлик ҳаракатининг ўрнини таҳлил этиш;
- тўпланган материаллар таҳлили асосида соҳани ривожлантириш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида катта ҳажмдаги манбалардан фойдаланилган. Улар шартли равишда архив ҳужжатлари (шунингдек, жорий архивлар материаллари), даврий матбуот материаллари, эълон қилинган расмий ҳужжатлар, расмий статистик маълумотларга бўлинади.

Мавзуга оид энг асосий манбалар асосан архив ҳужжатларидан иборат бўлиб, уларнинг энг қимматлиси Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўз МДА) нинг фондларида сақланаётган материаллардир. Бу фондлар ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (15-фонд) нинг фонди алоҳида аҳамиятга эга. Унда Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилган давлат сиёсати тўлиқ ўзининг ифодасини топган. Шунингдек, ушбу фонд материаллари Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилган ишлар, камчиликлар, хатолар ҳақида ҳам муайян маълумотлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг 13-фонди ҳам диссертация учун катта ҳажмдаги маълумотлар берди. Жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёшлар муаммолари, ёшлар, ёш оилаларни

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари ушбу фонд материаллари орасида талайгина қисмни ташкил этади.

Шунингдек, вилоятлар архивларида сақланаётган ҳужжатлар ҳам тадқиқот ишимизда қўл келди. Қашқадарё вилояти Давлат архивининг 142-фондида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси материаллари сақланган бўлиб, бу материаллар вилоятда мазкур масалада тўпланган тажриба, йўл қўйилган хатолар, камчиликлар ҳақида муайян хулосалар беришга имкон яратди.

Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви материаллари ҳам биз учун жуда фойдали бўлди. Уларда вилоятда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг ривожланиш динамикаси ва эволюцияси ўз аксини топган. Худди шундай материаллар Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари “Маҳалла” жамғармалари, “Нуроний” жамғармаларининг жорий архивлари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимиятларининг жорий архивларидан ҳам қўллаб топилди.

Олинган маълумотлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиш эволюциясини кўрсатиб беришга имкон яратган.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятларида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ушбу тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи тадқиқот предмети сифатида танланган.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқларида, шунингдек, Ўзбекистон тарихини чуқур, ҳаққоний ўрганишга доир ҳукумат қарорларида ишлаб чиқилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кучли ижтимоий сиёсат, кам таъминланган оила, ногиронларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлашга оид Президент фикрлари, ҳукумат кўрсатмалари ушбу ишнинг назарий-концептуал асосини ташкил этади. Шунингдек, тарихийлик, илмийлик, холислик каби усуллар, тўпланган материалларни тизимлаштириш, комплекс умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, хронологик метод кабилар танланган мавзунини очиб беришда муҳим рол ўйнади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиш эволюцияси тарихий нуқтаи назардан ҳалигача ўрганилмаган. Шунингдек, ушбу муаммонинг алоҳида олинган

минтақа, локаль шароитида ўрганилиши, ижтимоий ҳимоя сиёсатининг амалда жорий бўлиш динамикаси ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлардан биридир;

- иккинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат, нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлар, ҳомийлар томонидан олиб борилган. Ушбу ҳолат ҳозирча комплекс тарзда илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган ва тадқиқот объектига айланмаган;

- учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида фуқароларни иш билан таъминлаш масаласи алоҳида ўринга эга. Аҳоли бандлиги муаммоси минтақанинг иқтисодий – табиий, жуғрофий, демографик ҳолати билан уйғун ҳолда ҳал этилиши лозимлиги масаласи ҳимояга олиб чиқиладиган асосий жиҳатлардандир.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Ушбу диссертация тадқиқотида Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида комплекс тарзда тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, турли архив ҳужжатлари, жорий архивлар, статистик маълумотлар асосида тўпланган катта ҳажмдаги материаллар умумлаштирилган, тизимлаштирилган, воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатидаги ўзига хосликлар таҳлил этилган;

- иккинчидан, қиёсий-тарихий таҳлил асосида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий аҳвол, аҳоли демографияси, турмуш тарзи, имкониятлари очиқ берилган;

- учинчидан, тарихий аснода ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борган фаолияти ўрганилган;

- тўртинчидан, воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришда тадбиркорлик ва ҳомийлик ҳаракатининг динамикаси кўрсатилган;

- бешинчидан, катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, бошқа материаллар асосида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида ижтимоий ҳимоя сиёсатида комплекс баҳо берилади.

Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Катта ҳажмдаги материаллар ҳамда янги методологик ва назарий хулосалар асосида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланиши Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида ўрганилган. Тадқиқот натижалари, диссертацияда умумлаштирилган материаллар таълим тизимида дарс ўтиш жараёнида, махсус курслар яратилишида қўл келиши мумкин. Шу билан бирга диссертация материалларидан Ўзбекистон тарихининг тегишли қисмларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Кўплаб материаллар ва тадқиқот ишидаги назарий умумлашган хулосалар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида тегишли муассасалар

томонидан йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу тадқиқот ишида мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар атрофлича таҳлил қилинганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, диссертация материаллари, айниқса тақдим этилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ишини фаоллаштириш, такомиллаштиришда ёрдам беради.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даври моҳиятини очиб берувчи илмий асарлар, дарслик ва услубий қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек олий ўқув юртларида мустақиллик даврига оид махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни, хулосалари муаллифнинг республика миқёсида ўтказилган турли илмий-назарий, илмий-амалий анжуманларидаги маърузаларида, тўплам, илмий журналларда эълон қилинган мақолаларида ўз аксини топган. Диссертация иши Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти “Ўзбекистон тарихи ва маданиятшунослик” кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 24 та иш эълон қилинган. Жумладан, диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва 19 та конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танлаб олинган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, даврий чегараси, назарий-методологик асослари, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, манбавий асослари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижтимоий ҳимоя - давлат сиёсатининг асосий тамойили”**, деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида, хусусан, унинг жанубий ҳудудлари - Сурхондарё ва

Қашқадарё вилоятларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари, ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлаш каби масалалар мавжуд ҳужжатлар, манбалар асосида тадқиқ этилган.

Собиқ СССР нинг парчаланиши ва мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш энг муҳим, устувор вазифалардан бири сифатида кун тартибида турар эди. Мамлакат ҳукумати мазкур муаммони уч йўналишда амалга ошира борди. Биринчидан, нарх-навонинг эркинлаштирилиши, мулкнинг қадрсизланиши юзага келди. Бундай шароитда аҳоли даромадларининг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди. Иккинчидан, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва нооziқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича кўрилган чоратадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаб турди. Учинчидан, пенсионерлар, ногиронлар, муҳтожлар, кўп болали оилалар ва кам даромадли оилалар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича чоралар кўрилди.

Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини руҳий-психологик ҳолатидаги айрим муаммоларни ҳам ҳал этиш зарурати туғилди. Жумладан, совет даврида кишилар ижтимоий онгига айланган боқимандалик кайфиятини бартараф этиш, улардаги “социализм-камбағаллар давлати” деган руҳият ва шундан келиб чиққан ҳолда социализмнинг “бир текисчилик” жамияти, деб эътироф этилиши билан боғлиқ ҳолатдан халос бўлиш лозим эди.

Диссертацияда юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазанинг қуйидаги таркибий қисмлари шакллانганлиги таъкидланади:

- меҳнатга лаёқатлилар учун иш жойлари ташкил этиш (ишсизликдан муҳофаза қилиш);
- меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;
- меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида муносиб турмуш даражасини таъминлаш;
- турар жой, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш хизматларини минимал меъёردа таъминлаш;
- замонавий малакали ишчи кучини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумот олиш.¹

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида жойлашган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзининг бой тарихи, табиий қазилмалари, меҳнаткаш аҳолисига эга бўлсада, СССР нинг парчаланиши арафасида ушбу вилоятлар аҳолиси турмуш тарзи даражаси бошқаларга қараганда паст эканлиги кўрсатилган. Масалан, 1989 йилги маълумотларга кўра ушбу вилоятларда аҳолиси 50 мингдан кўп бўлган 3 та

¹ Қаранг: Ижтимоий-ҳимоя йили: мазмун ва моҳият. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. - Б. 32.

(Қарши, Термиз, Шаҳрисабз) гина шаҳар бор эди холос. Шаҳар аҳолиси Қашқадарё вилоятида умумий аҳолининг 26 фоизини, Сурхондарёда атиги 19,5 фоизни ташкил этган холос. Бу рақамлар республикадаги энг паст кўрсаткичлар эди. Умуман, республикада ушбу рақам 40,7 фоизни ташкил қиларди.¹

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида мустақиллик арафасида аҳолининг ижтимоий муаммолари тобора кескинлашиб кетди. Айниқса аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий, маданий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг бандлик муаммоларини ҳал этиш ўта кескин эди. Совет даврида ташкил этилган айрим ижтимоий-иқтисодий инфратузилма бу даврга келиб ишдан чиқа бошлади, хўжалик юритиш механизмида жиддий узилишлар юз берди. Бундай ҳолат кишиларда ижтимоий тушкунлик кайфиятини юзага келтирди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок мазкур муаммоларни ҳал этишга давлат даражасида, аҳоли манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳаракат қилинди. Ҳукумат топшириғига биноан 1991 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига ўз тасарруфидаги ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳлил этиш ва соҳани ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш таклифи берилди. Энг аввало пенсия ишида ислохотлар ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар устидан ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди.² Талабалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар учун вақтинчалик ҳар ой учун 50 сўмдан қўшимча маблағ ажратилди.³

Тадқиқотда ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳукумат томонидан кўрилган тадбирларни таҳлил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 1992 йил май ойида Республика Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича қарори эълон қилинди. Унга биноан компенсация тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий ҳимоялаш каби мақсадлар учун бюджет ҳисобидан 21,3 млрд.сўм маблағ ажратилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг илк давриданок ногиронлар, шунингдек, “Чернобил”чилар, “Интернационалист-жангчилар”ни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қарата бошлади. Масалан, 1993 йили ногиронлик туфайли 1 гуруҳ ногиронларига берилган пенсия ҳажми 15 минг, 2 гуруҳга 11 минг, 3-гуруҳга 5 минг сўмни ташкил этган бўлса, “Чернобил” чи ногиронларга мос равишда 120 минг; 65 минг; 35

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. / Статис. сборн. - Ташкент: Узбекистан, 1989. - С. 18.

² ЎзР МДА. М-44-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 15-варак.

³ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 1-варак

минг сўм тўланадиган бўлинди.¹ Худди шундай ижтимоий ҳимоя 1994 йилда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 74 минг “Интернационалист-жангчилар”га ҳам кўрсатилди.²

Юқорида таъкидлангани каби, ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига айниқса устувор аҳамият берилди. Шу мақсадда 1995 йил 11 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида 1996-2000 йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат дастури” қабул қилинди. Дастурда ногиронларнинг профилактикаси, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг касбга йўналтирилиши ва таълимини ташкил этиш, иш билан таъминлаш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар мувофиқлаштирилди.³

Диссертацияда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бозор шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилган ишлар, ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиш эволюцияси кўрсатиб берилди. Масалан, 1994 йилда Қашқадарё вилоятида жами 13715 нафар пенсионер бўлиб, уларнинг 8615 нафари ёши бўйича, 3275 нафари ногиронлиги туфайли, 1825 нафари эса ўз боқувчисини йўқотганлиги асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож эдилар.⁴ Бундай рақамлар Сурхондарё вилоятида юқоридагига мос равишда 10667; 7416; 1989; 1262 нафарни ташкил этди.⁵

Айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимиятнинг масъулиятсизлиги туфайли аҳолини ижтимоий ҳимоялашда қатор камчилик, хатоларга ҳам йўл қўйилди. Аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга бўлган интилишини қондириш мақсадида биргина 1997 йили Сурхондарё вилоятида ижтимоий таъминот бошқармаси пенсия хизматини такомиллаштириш бўлими томонидан 10 та қўлланма, савол-жавоб рисоалари нашр этилди. “Сурхон тонги” газетасида 6 марта маслаҳат-мақолалар эълон қилинди, 7 марта ҳудудий семинар-кенгашлар ташкил этилди.⁶

Шунингдек, аҳоли орасида боқимандалик кайфиятини бартараф этиш, нотинч оилалар, жиноятчиликни содир этишга мойиллик каби салбий иллатларни йўқ қилиш, бундай оилаларни тўғри йўлга солиш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада айниқса Қашқадарё вилоятида ҳар бир оилани ўрганиш Дастурининг ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада ёрдамга муҳтож оилалар билан ишлашнинг аниқ йўналиши белгиланди. Шу асосда 2006 йилда Қашқадарё вилояти бўйича 75,1 минг ўқувчига кишки кийим, ҳар бир

¹ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 96- иш, 203 - варақ

² ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-иш, 299-варақ

³ Энциклопедия. Ўзбекистон Республикаси. - Тошкент: Комуслар бош таҳририяти, 1997. - Б. 343.

⁴ Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142 –фонд, 3-рўйхат, 471-иш, 2-варақ.

⁵ Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 1994 йилги маълумотлар папкаси. - Б. 18.

⁶ Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 1997 йилги маълумотлар папкаси. - Б. 3.

тумандаги 150 оилага биттадан қорамол берилди, 25 нафар ёлғиз кексалар уйлари таъмирланди, 12219 кам таъминланган оилалар, шунингдек 2100 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса, пенсионер, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Сурхондарё вилоятида эса 2080 нафар муҳтожларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди, 14 нафар ёлғиз кекса фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди.¹

Диссертацияда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масалалари ҳам алоҳида тадқиқ этилди. Маълумки, жамият ўз ривожланишининг бир сифат босқичидан бошқасига ўтаётганда, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш жуда катта ижтимоий-иқтисодий муаммога айланади. Ўзбекистон ҳукумати мазкур ҳолатни эътиборга олган ҳолда ёппасига бўшатилиш ҳолатларининг олдини олиш, ишдан бўшатирилганларни қўллаб-қувватлаш, иш излаш жарёнини қисқартириш, ишсизликнинг узок давом этишига барҳам бериш, янги иш ўрин яратувчиларни қўллаб-қувватлаш, бандлик дастурини ишлаб чиқиш кабиларга аҳамият берди.

Бироқ ушбу тадбирларга қарамасдан воҳада аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси анча жиддий эди. Жумладан 1992 йилнинг 1 июлидаги маълумотларга кўра Қашқадарёда уларнинг сони 65285 нафарни ташкил этди.² Шу йили Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасига фуқаролардан 7512 нафари иш сўраб мурожаат қилди. Шулардан 5257 нафари ишга жойлаштирилди.³ Кейинги йилларда эса бу рақам юқоридагига мос равишда қуйидагича тус олди: 1993 йил 8113 ва 5678; 1994 йил 8843 ва 6189; 1993 йил 8113 ва 5678; 1994 йил 8843 ва 6189; 1998 йил 12520 ва 8763; 2001 йил 20004 ва 13587; 2005 йил 22733 ва 19942.⁴

Тадқиқотда архив ҳужжатлари, бошқа маълумотлар асосида воҳада аҳолини иш билан таъминлаш борасида олиб борилган ишлар, тўпланган тажриба ҳам ўрганилди. Масалан, Қарши шаҳрида “Меҳнат бозори” муттасил равишда фаолият кўрсатди. 1996 йилнинг ўзида 1320 нафар ёшлар меҳнат бозорига мурожаат қилган бўлсалар, уларнинг 692 нафари иш билан таъминланди.⁵ Яккабоғ туманида 2002 йил март ойида ўтказилган ярмаркада 59 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 252 та бўш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркада жами 433 киши қатнашди ва улардан 190 нафарига йўлланма берилди.⁶

¹ Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси. - Б. 3.

² Ҳайитов А. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ривожланиш ва аҳоли бандлигининг ўзаро алоқалари. - Тошкент: 1994. - Б. 86.

³ Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 1992 йилги маълумотлар папкаси. - Б. 21.

⁴ Архив ҳужжатлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

⁵ Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 7-варақ.

⁶ Халқ сўзи. 2002 йил 16 март.

Қарши шаҳрида 2008 йил ўтказилган “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” да 78 та корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари иштирок этди. Талабгорларга 330 та бўш иш ўринлари таклиф этилди, шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари 142 нафар фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳақидаги меҳнат шартномасини рўйхатга олдилар.¹ Умуман Қашқадарё вилояти бўйича 2008 йилда ташкил этилган “Бўш иш ўринлари ярмаркалари” да 14522 нафар ёш йигит-қизлар иш билан таъминландилар.²

Ўрганилган даврда воҳада аҳолининг бандлик муаммосини ҳал қилишда қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Ушбу муаммони ҳал этишда янги корхона, ташкилотлар тузилиши муҳим аҳамият касб этарди. Аммо 2007 йилда Ангор, Бандихон, Бойсун, Қизирик, Музработ ва Шеробод туманларида бирорта ҳам корхона ташкил этилмади. Сурхондарё вилоятида 2007 йилда ўқув юртларини битирган 15 мингдан ортиқ ўқувчининг 4520 нафари, ёки 30 фоизигина иш билан таъминланган холос.³

Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари айрим ҳолларда аҳолини иш билан таъминлашда ҳудуддаги табиий-жуғрофий, демографик ҳолатларни ҳам эътиборга олмадилар. Янги қўшма корхоналар ташкил этиш, ишбилармон, тадбиркорларнинг янги иш ўринлари яратиш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар ҳам юксак талаблар даражасида бўлмади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги фаолияти”**, деб номланган бўлиб, унда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалланинг ўрни, ушбу ижтимоий-маданий институтнинг жамиятда мустақкам барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, фуқаролар, айниқса аҳолининг кекса, ёши улуғ қисмининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда “Нуроний” жамғармасининг ўрни ҳам тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ижтимоий – маданий ҳаётида маҳалланинг ўрни бениҳоя катта эканлиги эътиборга олиниб, 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Республика “Маҳалла” Хайрия Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ги ва 1992 йил 8 октябрда эса “Республика “Маҳалла” Хайрия Жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги Фармонлари эълон қилинди. Шунингдек, шу йилнинг 17 октябрида мазкур масала бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.⁴ Ушбу ҳужжатларда ҳар бир аниқ ҳудудда яшовчи кам харж оилалар, ногиронлар, кексалар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, муҳтож оилалар ва алоҳида шахсларга текин ёрдам – моддий ёрдам

¹ Халқ сўзи. 2008 йил 4 январ.

² Ҳуқуқ. 2009 йил 16 апрел.

³ Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Т.16. - Б. 307-308.

⁴ Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. – Тошкент, 1998. - Б. 36.

кўрсатиш каби масалалар билан шуғулланиш маҳалла кўмиталари зиммасига юклатилди.

1994 йил 23 августда мамлакат Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Унда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат вазифаларини бажаришда иштирок этишга асос солинди.¹

Республикада ўзбек халқининг кўп болали миллат эканлиги, уни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда 1996 йил 10 декабрда Президентнинг “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан 1997 йил январдан болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари-шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланиши, бунда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олиниши белгиланди. Юқоридагиларга мувофиқ 1 нафар болали оилага энг кам иш ҳақининг - 100 фоизи, 3 нафар болали оилага 140 фоизи, 4 нафар ва ундан ортиқ болали оилаларга 175 фоизи миқдорида нафақа тўланиши белгилаб берилди.²

Бу борада Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудларида ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, 1998 йилда Қашқадарё вилоятида 1 та шаҳар, 14 туманда “Маҳалла” жамғармалари бўлиб, улар таркибида 368 юридик мақомга эга бўлган маҳаллалар бор эди. Маҳаллалар том маънода аҳолини ижтимоий ҳимоялаш марказларига айланди.³

Диссертацияда “Маҳалла” фуқаролар йиғинининг аҳоли орасида мутассил равишда катта ижтимоий нуфузга эга бўлиб борганлиги эволюцияси кўрсатиб берилган. Бу даврга келиб маҳалла ўз тузилмасига эга, шаклланган ижтимоий институт, ўзини-ўзи бошқаришнинг қуйи органига айланиб бўлган эди. Масалан, Сурхондарё вилоятида маҳалла фуқаролар йиғини тизими 27 бўлимдан иборат эди. Булар ичида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи, маънавият тарғибот комиссияси, спорт ишлари бўйича комиссия, жамоат хавфсизлиги, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби қатор комиссиялар фаолият кўрсатди.⁴ Вилоятда 2005 йилда 5 тоифадаги аҳолига (кўп болали оилалар; ёлғиз кекса фуқаролар; ногиронлиги мавжуд бўлган оилалар; бошқа тоифадаги эҳтиёжмандлар) моддий ёрдам кўрсатилди. “Маҳалла” жамғармалари томонидан 2005 йилнинг 3-чорагида Термиз шаҳридаги кўп болали оилалар учун 55,2 млн.сўм, Шеробод тумани учун 23,2 млн.сўм,

¹ Ўзбекистон овози. 1994 йил 25 август.

² ЎзР МДА .М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045 иш, 150-варақ.

³ Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармасининг жорий архиви. 1997 йилги маълумотлар. - Б. 2.

⁴ Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармасининг жорий архиви. 2002 йил ҳисоботлари. - Б. 21.

Қизириқ тумани учун 41,4 млн.сўм пул маблағлари ажратилди. Уларнинг аксарият қисми ҳомийлар кўмаги асосида ажратилди.¹

Воҳада “Маҳалла” жамғармаси, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, илғор тажрибани ўрганиш, ёйиш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, 2006 йилда Сурхондарё вилоятида илғор маҳаллалар фаолиятини оммалаштириш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Унга биноан Бойсун туманидаги Н.Аъзамов, Ангор туманидаги “Наврўз”, Қизириқ туманидаги “Рабатак” каби маҳаллалар фаолияти, иш тажрибаси оммалаштирилди. Маҳалла жамғармаларининг моддий имкониятлари ҳам ортиб борди. Масалан, 2002-2007 йилларда Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлимлари ҳисобига 1560 млн.сўм маблағ тушди. Шундан 822 млн.сўм хайрия ёрдамлари асосида тўпланди. Биргина 2007 йилда вилоят бўйича 2560 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 43,4 млн.сўмлик кийим-кечаклар берилди.² Маҳалланинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борган фаолияти ҳам сезиларли бўлди. Биргина 2008 йилда Қашқадарё вилоятида маҳалла фуқаролар йиғинининг тавсияси асосида 34 ёш оилага “Асака-банк” нинг вилоят филиали томонидан 852500 минг сўмлик кредитлар ажратилди.³ Сурхондарё вилоятида эса 2008 йилнинг 9 ойида Маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси асосида 14449 ёш оилага тижорат банклари томонидан 4,7 млрд.сўм миқдорида ипотека, истеъмол, микрокредитлар ажратилди.⁴ Маҳалла кўмиталари тавсияси асосида Қарши шаҳрининг ўзида 2009 йили 68 минг аҳоли кичик бизнес билан шуғулланди.⁵

Тадқиқотда катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, бошқа манбалар асосида мустақиллик йилларида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида олиб борилган ишлар таҳлил этилган. 1995 йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги арафасида урушда шахид бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин Ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 34 жилдлик “Хотира” китоби нашр этилди. Президентнинг 1994 йил 6 майдаги фармонида мувофиқ 109 минг уруш қатнашчиси “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари билан мукофатланди.⁶

Қарияларга, ёлғиз, кам таъминланган нафақахўрларни ижтимоий таъминлашда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. 1991 йилда республика бўйича 30573 нафар ёлғиз

¹ Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига кўрсатилган мурувват ёрдами кўрсаткичлари. Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. 2005 йил ҳисоботи. - Б. 27.

² Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармасининг жорий архиви. Жамғарманинг вилоят бўлими фаолияти. 2007. - Б. 8.

³ Маҳалла. 2008 йил 28 май.

⁴ Сурхон тонги. 2008 йил 4 ноябр.

⁵ Ҳуқуқ. 2009 йил 2 апрел.

⁶ Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Тошкент, 2004. № 1. - Б. 17.

қариялар бўлган бўлса, уларнинг 1861 нафари Сурхондарё, 1717 нафари эса Қашқадарё вилоятларида истиқомат қиларди.¹ Қашқадарё вилоятида ёлғиз қарияларнинг 909 нафари эса фарзанд ва яқин қариндошларига эга эмас, 447 нафари эса мустақил ҳаракат қила олмас эди.²

Уларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими ХХ асрнинг 90-йиллари бошларида ҳали шаклланмаган эди. Мавжуд “Меҳрибонлик ва саломатлик”, “Тинчлик”, уруш ва меҳнат фахрийлари фонди, қарлар, кўрлар, “Байналмилалчилар, Чернобилчилар” каби ўнлаб фондлар фаолияти эса мувофиқлаштирилмаган эди. Мазкур фондлар ўртасидаги номутоносибликни бартараф этиш, фахрийлар, қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1996 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Фармонда фахрийлар ва ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, улар учун белгиланган имтиёзларнинг, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг тўла, ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, кексалар, ёрдамга муҳтожларга ижтимоий йўналтирилган ёрдам кўрсатиш йўллари белгиланди.³

Натижада бу борадаги ишларда муайян тизим шакллана бошланди. 1996 йилда Қашқадарё вилоятида 707 та бошланғич фахрийлар ташкилотлари фаолият кўрсатди. Шулардан 212 таси маҳаллаларда, 495 таси меҳнат жамоаларида ташкил этилди, уларга 145942 нафар нуронийлар қамраб олинди. Вилоят “Нуроний” жамғармаси фахрийлар учун кичик корхоналар ташкил этишга ҳам эътибор қаратди. 1996 йилда вилоятда 42 та шундай корхоналар иш бошлади, уларда 280 нафар нуронийлар меҳнат қилдилар.⁴ Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар бажарилди. Ногирон-фахрийларни имтиёзли таъминлаш ишлари амалга оширилди. Унга биноан 6 минг нафар ногирон-фахрий рўйхати тузилди. Вилоятда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида оталиқ ташкилотларини бириктириб қўйиш амалиёти жорий этилди. 1998 йилда уруш қатнашчилари, ногиронларга 2557013 сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди.⁵

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори⁶ ва 2007 йил 17 октябрдаги “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни

¹ ЎзР МДА .М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120-варақ.

² Қашқадарё вилояти Давлат архиви.142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 4-варақ.

³ Қаранг: Мустақиллик.Изоҳли илмий-оммабоп луғат. - Тошкент: Шарқ, 2006. - Б. 455.

⁴ Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 470-иш, 28-варақ.

⁵ Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ҳисоботлари. 1998 йил. - Б. 3.

⁶ Саҳоват. - Тошкент, 2006. № 5-6. - Б. 5.

кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонининг бажарилиши ҳам таҳлил этилган.¹ Жумладан, “Жаркўрғоннефть” очик акциядорлик жамиятида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 165 нафар фахрийга 6,5 млн. сўм қўшимча нафақа берилди.² Қашқадарё вилоятида эса 1042 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уйлари таъмирлаб берилди.³

Диссертациянинг учинчи боби **“Ижтимоий муҳофаза тизимида тадбиркорлик фаолияти ва ёшлар муаммолари”**, деб номланади ва унда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг ўрни, ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш муаммолари каби масалалар ўрганилганлиги ўз ифодасини топади. Ишда тадбиркор ва ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдаги ўрни масаласи алоҳида таҳлил этилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришдан кўзланган стратегик мақсад бор эди. Биринчидан, соҳани ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш бўлса, бошқа томондан, кичик бизнес хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш натижасида мамлакатдаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш эди. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, етимлар, кекса фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаш, ёшлар муаммоларини ҳал этиш-буларнинг барчаси тадбиркорликни ривожлантириш натижасида бажарилиши мумкин бўлган вазифалар эди.

Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорлар ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қарата бошлади. Аммо таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу ҳаракат кенг тус олмади. Шунга қарамасдан, 1992 йилда Қашқадарё вилоятидаги 1717 нафар ёлғиз пенсионер қарияларга турли тадбиркорлар, ҳомийлар ҳисобидан 412 минг сўм қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Сурхондарё вилоятидаги 1861 нафар шу тоифадаги фуқароларга кўрсатилган қўшимча ёрдам ҳажми 446 минг сўмни ташкил этди.⁴

Кейинчалик бу масалага эътибор кучая борди. Бунга айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” ги ва 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари муайян ҳуқуқий асос солди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда тадбиркор, ишбилармонларга имтиёзлар яратди.⁵ Воҳада аҳолини ижтимоий

¹ Саховат. - Тошкент, 2007. № 4-5. - Б. 4.

² Ўзбекистон овози. 2009 йил 14 апрел.

³ Саховат. — Тошкент, 2007. № 3. - Б. 11.

⁴ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120-варақ.

⁵ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 345-варақ.

химоялаш борасида олиб борилган ишлар тизимга солина бошланди, унинг турли самарали йўллари ишлаб чиқилди. Жумладан, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида ёлғиз қарияларни ҳомий ташкилотларга бириктириб қўйиш амалиёти жорий этилди. Натижада, 1999 йилнинг декабрь ойида тумандаги 10 нафар ёлғиз қарияга сомон, 3 нафар ёлғиз қарияга 4 куб. метр ўтин, 80 фуқарога 50 кг. дан буғдой, 50 нафар аҳолига 500 кг. дан кўмир тарқатилди.¹ Шаҳрисабз шаҳрида 16 та тадбиркор ва ҳомийлар 35 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатдилар.² Сурхондарё вилоятида эса ушбу муаммо “Меҳрибонлик ва саломатлик” жамоатчилик жамғармаси негизида ташкил этила бошланди.³

Диссертацияда кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорлик орқали аҳолини химоялаш борасида воҳада олиб борилган ишлар ҳам тадқиқ этилди. Айниқса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларида очилган кредит линиялари орқали аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармалари маблағи бўйича ижобий ишлар бажарилди. 2003 йилнинг 8 ойида Қашқадарё вилоятида ушбу кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 809 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 524 таси оилавий тадбиркорликни, 285 таси эса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Деҳқонобод туманида 2004 йилда ҳомийлик ёрдам ҳажми 89,7 млн. сўмни ташкил этди.⁴

Сурхондарё вилоятида эса микрофирмалар ташкил этилиши тез авж олди. Микрофирмалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлиб, улар ишлаб чиқиш ва хизматлар соҳасининг турли йўналишларини ўз ичига олди. Агар вилоятда 2003 йилда жами 11533 та микрофирмалар фаолият кўрсатган бўлса, 2005 йилда улар сони 15615 тага етди. Шунингдек, вилоятда кичик корхоналар сони ҳам ортиб борди ва 2005 йилда улар сони 1327 тани ташкил этди.⁵

Сурхондарё вилоятида тадбиркор Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам анча жиддий ишлар амалга оширилди. Жумладан, якка тартибда фаолият юритадиган 5 мингга яқин тадбиркор хотин-қизларга 8,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 10 минг 483 нафар аёл иш билан таъминланди. Қашқадарё вилоятида ҳомийлик ҳаракати туфайли уй-жойларни таъмирлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, нақд пул, қорамол, майда шохли моллар, тикув машиналари, спорт анжомлари билан таъминлаш муайян тизимга солинди.⁶

¹ Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 27-варақ.

² Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 85-87-варақ.

³ ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 22-варақ

⁴ Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2003 йил материаллар папкаси. - Б. 7.

⁵ Сурхондарё вилояти. Статистик маълумотлар. 2005 йил. - Б. 63.

⁶ Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2003 йил материаллар папкаси. - Б. 3-7.

Ўрганилган даврда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси бўйича 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари учун ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 миллиард сўм пул ажратилди. Шунингдек, нон, сут-қатик, шакар, тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун 10 миллиард сўм бюджет пули ажратилди.¹ Қашқадарё вилоятида эса мактаб ўқувчилари учун тушлик овқатларнинг 50 фоизи республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 ноябрдаги Фармонида асосан аҳолига бир ойлик компенсация тўловларининг миқдори 150 сўмгача кўпайтирилди. 1994 йил сентябридан бошлаб амалдаги болаларга қараб турганлиги учун оналарга тўланадиган нафақалар бола 1,5 ёшгача тўлгунга қадар эмас, балки 2 ёшгача тўланиши белгиланди.³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида эса нафақаларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш белгиланди.⁴ Шунга асосан Ўзбекистон Республикасининг халқ банки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан “Болалар нафақалари” махсус ҳисоб варақалари очиб берди.⁵

Архив ва статистик маълумотларга кўра Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 2 ёшгача бўлган болалар ҳамда 16 ёшгача бўлган болалар учун тўланадиган нафақалар сони ва ҳажми йилдан-йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1999 йилги маълумотларга кўра Қашқадарё вилоятида 16 ёшгача бўлган 162165 нафар бола учун 1478,7 млн.сўм пул маблағи ажратилди. Шунингдек, 60074 нафар 2 ёшгача бўлган болалар учун 986,2 млн.сўм пул маблағи ажратилди. Ушбу рақамлар Сурхондарё вилояти бўйича юқоридагига мос равишда 189022; 1046,3; 43112; 707,5 ни ташкил этди.⁶

Айни пайтда диссертацияда бу борада йўл қўйилган хато, камчиликлар ҳам ўрганилди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг ўзида ёшлар ижтимоий муҳофазаси учун ажратилган маблағнинг 17,4 фоизи ишлатилмай қолди. Нафақага муҳтож ёшларга моддий ёрдам кўрсатишда ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилди. Масалан, 2000 йилда Қашқадарё вилоятида 238 оилага, Сурхондарё вилоятида эса 41 оилага Низомга ҳилоф равишда моддий ёрдам кўрсатилди.⁷

¹ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-иш, 37-варақ.

² Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 459-иш, 177-варақ.

³ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-иш, 1-варақ.

⁴ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 150-варақ.

⁵ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 151-варақ.

⁶ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 144-варақ.

⁷ ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 903-иш, 155-варақ.

Тадқиқот ишида воҳа ёшларини ижтимоий ҳимоялашда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олиб борган ишлари ҳам ўрганилган. Масалан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлими ва акциядорлик тижорат “Микрокредит банк” ҳамкорлигида имзоланган битимга мувофиқ вилоятда тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга микрокредитлар ажратиш бўйича танлов эълон қилинди. Танлов ғолибларига 5 фоизлик имтиёзли кредитлар берилди. 2007-2008 йилларда вилоятдаги 471 ёш оилага имтиёзли кредитлар берилди. Шулардан 61 нафарига “Ипотека банк” вилоят бошқаруви томонидан 963,1 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.¹ Қашқадарё вилоятида эса 2009 йилда боласини 2 ёшгача парвариш қилаётган оналарга 54 миллиард сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 51 миллиард ҳамда кам таъминланган оилаларга 4,3 миллиард сўмлик моддий ёрдам ажратиш белгиланди.²

Шунингдек, тадқиқотда ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлашда йўл қўйилган хато, камчиликлар ҳам ўз аксини топган. Айниқса, ёшлар ўртасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик, мавжуд қонунчиликни ўрганишга бўлган интилиш, қизиқиш, эҳтиёжнинг камлиги, айрим ҳолларда мазкур масалада ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, ижтимоий ҳимоя тизимида маънавий рағбатлантиришдан суист фойдаланиш кабилар содир бўлди. Аммо ушбу камчиликларга қарамасдан мамлакатда, хусусан воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими шаклланди.

III. ХУЛОСА

Танланган мавзу бўйича тўпланган архив ҳужжатлари, бошқа материалларни ўрганиш, таҳлил этиш асосида қуйидаги **хулосаларга** келинди.

1. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. Бунинг асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг илмий асосланган тизими шаклланди. Бундай тизимда аҳолининг кам таъминланган, муҳтож, ногиронлар қисмини, ёлғиз болали оналар, ёш оилаларнинг моддий-иқтисодий аҳолини яхшилаш масалалари устувор аҳамият касб этди.

2. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида аҳолини ижтимоий-ҳимоя қилишда воҳанинг иқтисодий-ижтимоий, геополитик, маданий, демографик хусусиятлари эътиборга олинди. Айниқса газ, сув муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

3. Жанубий вилоятларда аҳолини иш билан таъминлашнинг муайян механизми шакллана бошланди. Бу борада Республика ва вилоятлар

¹ Сурхон тонги. 2008 йил 29 март.

² Ишонч. 2009 йил 3 март.

дастурларини қабул қилиш амалиёти юзага келди. Ушбу дастурларда кичик бизнес, тадбиркорлик, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг йўлга қўйилиши ижобий натижалар бера бошлади.

4. Воҳа аҳолисининг ижтимоий ҳимоялашни таъминлашда ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталарининг ўрни катта бўлди. Аҳоли ўз манфаатларини қондиришда маҳалланинг ролига ишонч ҳосил қила бошлади. Айни пайтда маҳалла қўмиталари ижтимоий барқарорликни, ғоявий-мафкуравий бирликни таъминловчи, аҳоли яшаш шароитларини тартибга келтирувчи таъсирчан кучга айланди.

5. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида уруш фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Бунда “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимлари, тадбиркор, ишбилармонлар иштироки мунтазамлик характериға эға бўла бошлади. Воҳада ижтимоий муҳофазаға муҳтож қарияларни алоҳида ташкилот, муассасаларға бириктириб қўйиш амалиёти юзаға келди.

6. Ўрганилган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тадбиркор, ишбилармонларнинг ўрни ҳам сезиларли бўлди. Мамлакат ҳукумати томонидан тадбиркор, ишбилармонларға яратиб берилган имтиёзлар, эркинликлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.

7. Ўрганилган даврда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятида ижобий силжишлар кўзға ташлана бошланди. Ёшлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш бўйича вилоятларда махсус гуруҳлар ташкил этила бошланди. Бу эса ёшларға ижтимоий ёрдам кўрсатишни мақсадли равишда, тизимий йўсинда олиб боришға имкон берди.

8. Воҳа аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишда мамлакат Президентининг ҳар йилни алоҳида соҳа билан боғлаш, у бўйича Давлат Дастурларининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этди. Ушбу амалиёт натижасида мамлакатда мавжуд бўлган муаммолар илмий аснода таҳлил этилган ҳолда тизимли равишда, давлат бюджети, нобюджет маблағлари, хорижий инвестициялар асосида ҳал этила бошланди.

Шунингдек, ишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича **таклифлар** ва **тавсиялар** берилди. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этишда мавжуд ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий, айниқса демографик ҳолатини илмий жихатдан ўрганиш, ушбу вазифани аниқ дастурлар асосида олиб боришға эришиш;

- фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, маҳалла оқсоқолларини махсус олий таълим тизимида алоҳида йўналиш бўйича тайёрланишини йўлга қўйиш, бунда

уларнинг ташкилотчилик қобилияти, маданий-маърифий ва ҳуқуқий билимлари уйғунлигига эришиш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда “бараварчилик” тизимидан уни мақсадли равишда ташкил этиш амалиётига ўтиш;

- тадбиркор ва ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги фаолиятида уларга кенгроқ имтиёзлар бериш, бу билан уларнинг соҳага қизиқишини кучайтириш.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ёрматов Ф.Ж. Оила ва унинг ижтимоий ҳимояси // Современные средства коммуникаций и психолингвистические проблемы преподавания научно-технической и астроавиакосмической терминологии в вузах Узбекистана. Межвузовский сборник научно-методических статей. - Ташкент, 2008. Часть II. - С. 225-226.

2. Ёрматов Ф.Ж. Ногиронларни ҳуқуқий ҳимоялаш-долзарб масала // Кадрлар тайёрлаш ва малака оширишда Конституциянинг ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-услубий анжумани материаллари. - Тошкент, 2009. - Б. 164-166.

3. Ёрматов Ф.Ж. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва фаровонлигини оширишнинг истикболлари // Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Қарши, 2009. - Б. 244-245.

4. Ёрматов Ф.Ж. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш-фаровонлик негизидир // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. - Ташкент, 2009. Часть 10. - С. 177-178.

5. Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашнинг устувор вазифалари // Малака ошириш тизимида тарихий хотира ва педагогик-психологик асослар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2009. - Б. 174-177.

6. Ёрматов Ф.Ж. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда нодавлат ташкилотларнинг ўрни // Малака ошириш тизимида тарихий хотира ва педагогик-психологик асослар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2009. - Б. 151-152.

7. Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари // Тошкент давлат техника университети хабарлари. - Тошкент, 2009. № 3-4. - Б. 310-313.

8. Ёрматов Ф.Ж. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя // Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари:

Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Самарқанд, 2009. - Б.141-143.

9. Ёрматов Ф.Ж. Сафаров Б. Ёш авлод ва унинг ижтимоий ҳимояси // Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. - Б.103-104.

10. Ёрматов Ф.Ж. Ёшларни ижтимоий ҳимоялашда “Камолот” жамғармасининг ўрни // XXI асрда шахс камолоти муаммолари: Республика илмий-услубий анжумани материаллари. - Тошкент, 2010. - Б. 169-171.

11. Ёрматов Ф.Ж. Ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашнинг устувор вазифалари // Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. - Б. 295-297.

12. Ёрматов Ф.Ж., Ёрматов Ш.Ч. Фуқаролик жамиятида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг устувор йўналишлари // Фуқаролик жамияти асосларини қуриш шароитида бўлажак мутахассисларнинг фуқаролик маданиятини шакллантириш: муаммолар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Бухоро, 2010. - Б. 20-22.

13. Ёрматов Ф.Ж. Инсон фаровонлигини кўзлаб // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Термиз, 2010. - Б. 93-95.

14. Ёрматов Ф.Ж. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишидир // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2010. № 1. - Б.24-26.

15. Ёрматов Ф.Ж. Ислом Каримов асарларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари // Тошкент Ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. - Тошкент, 2010. № 1. - Б. 36-38.

16. Ёрматов Ф.Ж. Оилани ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг ғамхўрлиги // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2010. -№ 2.-Б.108-110.

17. Ёрматов Ф.Ж., Ярматов Ш.Ч. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тарихини ўрганишда Президент Ислом Каримов асарларининг манбавий аҳамияти // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. - Б. 332-342.

18. Ёрматов Ф.Ж., Аннаева З.М. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашда давлат ғамхўрлиги // Социология фанларининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2010. II китоб. - Б. 179-181.

19. Ёрматов Ф.Ж. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишидир // Малака ошириш тизимида тарихий хотира ва педагогик-психологик асослар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2010. - Б. 196-199.

20. Ёрматов Ф.Ж., Ярматов Ш.Ч., Сафаров Б. Демократик жамиятда кариаларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари // Республика илмий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. 1-қисм. - Б. 156-159.

21. Ёрматов Ф.Ж. Оилани ижтимоий ҳимоялашнинг устувор йўналишлари // Ёш олимлар, аспирантлар, магистрлар ва тадқиқотчиларнинг биринчи анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. - Термиз, 2010. – Б. 59-62.

22. Ёрматов Ф.Ж. Баркамол авлодни ижтимоий ҳимоялаш ва фаровонлигини таъминлаш масалалари // Таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий иш ходимларини тайёрлаш тизими. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. - Б.115-116.

23. Ёрматов Ф.Ж. Баркамол авлодни ижтимоий ҳимоялашнинг устувор йўналишлари // Таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий иш ходимларини тайёрлаш тизими. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент, 2010. - Б. 249-251.

24. Ёрматов Ф.Ж., Аннаева З.М. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи: ютуқлар ва муаммолар // Жайхун. Термиз давлат университети хабарлари. - Термиз, 2010. № 1. - Б. 24-31.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ёрматов Фахриддин Жойлововичнинг 07.00.01 -Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича “Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Мустақиллик, давлат, республика, кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, аҳоли, тизим, жанубий вилоятлар, бандлик, фуқаролар, маҳалла, нуроний, камолот, кичик бизнес, тадбиркорлик, эволюция, концепция, ёшлар, ҳомийлик, тамойил.

Тадқиқот объекти: Мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб борилган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ушбу тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиши, аҳолининг кам таъминланган, муҳтож фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида давлат ва ҳомий ташкилотлар томонидан олиб борилган ишларни (Жанубий вилоятлар мисолида) илмий ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, илмийлик, ҳолислик, тўпланган материалларни тизимлаштириш, комплекс умумлаштириш, тарихий-киёсий таҳлил, хронологик усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқотда Ўзбекистондаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида комплекс тарзда ўрганилган турли архив ҳужжатлари, жорий архивлар статистик маълумотлар асосида тўпланган катта ҳажмдаги материаллар умумлаштирилган тизимлаштирилган воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатидаги ўзига хосликлар таҳлил этилган;

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари, диссертацияда умумлаштирилган материаллар таълим тизимида дарс ўтиш жараёнида, махсус курслар яратилишида қўл келиши мумкин. Шу билан бирга диссертация материалларидан Ўзбекистон тарихининг тегишли қисмларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги; Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва 19 та конференция материалларида ўз аксини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даври моҳиятини очиқ берувчи илмий асарлар, дарслик ва услубий қўлланмалар тайёрлашда шунингдек, олий ўқув юртларида мустақиллик даврига оид махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ёрматова Фахриддина Джайлавовича на тему: “Система социальной защиты населения в Узбекистане: состояние, процесс формирования, перспективы развития (1991-2010 годы. на примере южных областей)”, представленной на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01 - История Узбекистана.

Ключевые слова: Независимость, государство, республика, сильная социальная политика, социальная защита, население, система, южные области, занятость, граждане, махалля, нуроний, Камолот, малый бизнес, предпринимательство, эволюция, концепция, молодежь, спонсор, принцип.

Объект исследования: объектом исследования является политика, проводимая правительством нашей страны по сильной социальной защите населения.

Цель исследования: состоит в научном исследовании и анализе формирования системы социальной защиты населения в Узбекистане в годы независимости, а также работы, проведенной государством и спонсорскими организациями по материальной поддержке малообеспеченных, нуждающихся граждан (на примере южных областей).

Методы исследования: при осуществлении исследования применялись методы историзма, научности, систематизации собранных материалов, комплексного обобщения, сравнительно-исторического подхода, периодичности, объективизма.

Полученные результаты и их новизна: на основе различных архивных материалов, текущих и статистических сведений в диссертации комплексно изучена система социальной защиты населения в Узбекистане на примере Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей; проведено обобщение и систематизация большого объема собранных материалов, анализировано своеобразие социальной защиты населения в оазисах.

Практическая значимость: результаты исследования и обобщенные материалы диссертации могут быть применены в системе образования, в процессе занятий, при создании спецкурсов, а также материалы работы могут быть использованы при написании соответствующих разделов истории Узбекистана.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования нашли свое отражение в выступлениях диссертанта на 19 научных конференциях и в 5- научных статьях.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы при подготовке и написании научных трудов, учебников и методических пособий, раскрывающих сущность периода независимости в истории Узбекистана, а также в вузах при чтении спецкурсов о периодах независимости.

Resume

Thesis of Yormatov Fakhridin Dzhaylovovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in history on speciality 07.00.01 – History of Uzbekistan on the subject: “Social safety net for the population in Uzbekistan: condition, process of formation, development prospects (by the example of southern regions in 1991-2010)”.

Key words: independence, government, republic, intense social policy, social protection, population, system, southern regions (oblasts), employment, citizenry, *mahalla* (community), *nuroni* (an aged person), *Kamolot* (youth organization), small business, entrepreneurship, evolution, concept, young people, sponsor, principle.

Subject of the inquiry: the policy pursued by the government of our country to provide intense social protection of the population.

Aim of the inquiry: scientific investigation and analysis of forming the social safety net for the population in Uzbekistan within the years of independence, the work accomplished by the state and sponsor organizations in rendering material support for the low-income and impecunious people (by the example of southern regions).

Methods of the inquiry: the methods of historicism, scientific approach, systematization of collected materials, complex generalization, comparative-historical approach, periodicity, and objectivism have been used in carrying out the investigation.

The results achieved and their novelty: on the bases of various archive materials, current and statistical data, the social safety net for the population in Uzbekistan has been fully explored by the example of the Surkhandarya and Kashkadarya oblasts. The large scope of collected material has been generalized and systematized with analyzing the distinctive features of social protection of the population in oases are.

Practical value: the research results and generalized materials of the dissertation can be used in the system of education, in lecturing and preparation of special lecture-courses, besides, the dissertational material can be used in writing the respective chapters of the history of Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: the research results found their reflection in author's presentations at 19 scientific conferences and 5 scientific articles published.

Sphere of usage: the results of the dissertational work can be used in preparing and writing scientific works, textbooks, and educational books revealing the essence of the period of independence in the history of Uzbekistan, as well as in rendering special lecture-courses at the higher educational establishments and universities on the independence periods.